



AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 03 | pp. 519-525 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТ ҚЎЙИЛМАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ



Маматов Акмалжон Анваржонович,
“Агробанк” АТБ HR департаменти бошқарма бошлиғи
Gmail: a.a.mamatov82@gmail.com

Аннотация. Кредитлар тижорат банклари активларининг умумий ҳажмида нисбатан юқори салмоқни эгаллаганлиги сабабли, кредит қўйилмалари (портфели)ни бошқаришни такомиллаштириш банкнинг ликвидлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Ўз навбатида, тижорат банкларининг кредит қўйилмаларини бошқаришда асосий эътибор кредитлар даромадлигининг барқарорлигини таъминлашга ва кредит портфели рисклари даражасининг ошишига йўл қўймасликка қаратилади.

Ушбу мақолада кредит қўйилмаларининг даромадлиги ва рисклигини тавсифловчи кўрсаткичлар таҳлил қилинган ҳамда тегишли илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Таянч сўз ва иборалар. тижорат банки, кредит, кредит портфели, муаммоли кредит, даромад, риск, фоиз ставкаси, захира.

КОММЕРЧЕСКИЕ БАНКОВСКИЕ ПОЛОЖЕНИЯ ПО КРЕДИТУ ПУТИ УЛУЧШЕНИЯ

Маматов Акмалжон Анваржонович,
начальник управления HR департамента АКБ “Агробанк”

Аннотация. Поскольку кредиты занимают сравнительно большой вес в общем объеме активов коммерческих банков, совершенствование управления кредитным портфелем является важным фактором обеспечения ликвидности и финансовой устойчивости банка. В свою очередь, при управлении кредитным портфелем коммерческих банков основное внимание уделяется обеспечению стабильности доходности кредитов и недопущению повышения уровня рисков кредитного портфеля.

В данной статье анализируются показатели, характеризующие доходность и рискованность кредитных вложений, и разрабатываются соответствующие научные предложения.

Ключевые слова. коммерческий банк, кредит, кредитный портфель, проблемный кредит, доход, риск, процентная ставка, резерв.

WAYS OF IMPROVING THE CREDIT PORTFOLIO OF COMMERCIAL BANKS

Akmaljon Anvarjonovich Mamatov

Head of the Human Resources Department,
Joint-stock Commercial Bank "Agrobank"

Annotation. Since loans occupy a relatively large weight in the total assets of commercial banks, improving the management of the loan portfolio is an important factor in ensuring the liquidity and financial stability of the bank. In turn, when managing the loan portfolio of commercial banks, the main focus is on ensuring the stability of loan profitability and preventing an increase in the risk level of the loan portfolio.

This article analyzes indicators characterizing the profitability and riskiness of credit investments, and develops corresponding scientific proposals.

Key words. commercial bank, loan, loan portfolio, problem loan, income, risk, interest rate, reserve.

Кириш

2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида фақатгина бозор талаблари асосида кредитлаш, банкларнинг давлат ресурсларига бўлган қарамлигини камайтириш, кредит портфели сифати ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмлари ўсишининг мўътадил даражасига амал қилиш мамлакат банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясининг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларининг кредит портфелини бошқариш амалиётини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради. Айни вақтда, республикамиз тижорат банкларининг кредит портфелини бошқариш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар мавжуд. Жумладан, муддати ўтган кредитлар миқдорининг катта эканлиги, кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражасининг ушбу кўрсаткичнинг меъёрий даражасидан юқори эканлиги, банкларда баланслашмаган ликвидлик муаммосининг мавжуд эканлиги бу борадаги долзарб муаммолар жумласидандир.

2024 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, республикамиз тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг умумий ҳажмида муаммоли кредитларнинг салмоғи 3,5 фоизни ташкил этди.

Ҳозирги даврда, республикамизда тижорат банклари кредитларининг даромадлилиги ва рисклилиги ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш, кредит рискин баҳолаш ва бошқариш амалиётини такомиллаштириш, кредитларнинг баҳоларини барқарорлигига эришиш, кредитларнинг ресурс таъминотини мустаҳкамлаш, тижорат банкларининг кредитлаш фаолиятини тартибга солиш

амалиётини такомиллаштириш, кредит олувчиларнинг дефолт рискинни баҳолаш аниқлигини ошириш, банкларнинг кредитлаш фаолиятини инновациялар асосида ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Адабиётлар шарҳи

Ж.Синкининг хулосасига кўра тижорат банкларининг кредит портфелини тижорат банкларининг кредит портфелини бошқариш сифатини оширишда кредит олувчи мижознинг пул оқимини таҳлил қилиш орқали кредит рискинни пасайтириша муҳим бўлиб, мижознинг пул оқимини таҳлил қилиш қуйидаги долзарб саволларга жавоб топиш имконини бериши керак:

- мижознинг соф фойдаси унинг узоқ муддатли қарзларининг жорий қисминини тўлаш учун етарлими?
- компания айнан қанча миқдорда пул маблағлари олади?
- компания ўз операцияларини қандай молиялаштиради?
- компаниянинг жорий ҳолатини раҳбариятнинг қайси ҳатти-ҳаракатлари ёки қайси ташқи таъсирлар белгилайди.

Ж.Синкининг ушбу фикри нафақат тараққий этган мамлакатларнинг банк амалиёти учун, балки, республикамиз банк амалиёти учун ҳам муҳим. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, иқтисодиётнинг пул маблағлари билан таъминланганлик даражаси паст бўлганлиги учун мамлакат иқтисодиётида тўловсизлик муаммоси мавжуд (*2023 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, республика иқтисодиётининг пул маблағлари билан таъминланганлик даражаси атиги 21,2 фоизни ташкил этди*); иккинчидан, ишлаб чиқариш корхоналарида таннархнинг тушум ҳажмидаги салмоғи юқори бўлганлиги сабабли активларнинг рентабеллик даражаси паст.

Г.С.Панова, ўзининг илмий тадқиқоти натижаларига асосланган ҳолда, банкларнинг кредит портфелини бошқаришда депозитларнинг кредитли трансформацияси муҳим ўрин тутаети, деб ҳисоблайди ва трансакцион депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғининг 30 фоиздан ошишига йўл қўймаслик, депозитларнинг кредит операцияларига йўналтирилган қисмига нисбатан лимитлар жорий қилишни таклиф қилади.

В.Усоскиннинг хулосасига кўра, кредит муносабатларида кредит битимларининг қуйидаги асосий шартлари муҳим ўрин тутаети:

- кредитнинг мақсади;
- кредитнинг суммаси;
- кредитни қайтариш тартиби;
- кредитнинг таъминоти;
- кредит берувчи оладиган молиявий рағбат.

И.Алтман томонидан таклиф қилинган компанияларнинг дефолт рискинни баҳолаш моделида уларнинг дефолт бўлиш эҳтимоли қуйидаги беш кўрсаткич бўйича баҳоланади:

- айланма маблағларнинг активларнинг умумий ҳажмидаги салмоғи;
- активларнинг рентабеллиги;
- солиқ тўлангунга қадар бўлган фойданинг активларга нисбати;
- капиталнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати;

– тушумнинг активлар суммасига нисбати.

О.Лаврушиннинг хулосасига кўра, кредит линияси доирасида йириклаштирилган объект бўйича қисқа муддатли кредитлашнинг йирик корхоналар учун қуйидаги афзалликлари мавжуд:

- фақат юридик шахсларга берилади;
- банкнинг мижозлари бўлиб фақат йирик корхоналар ҳисобланади;
- кредит олувчилар бўлиб доимий равишда қисқа муддатли ресурсларга эҳтиёжи бўлган корхоналар ҳисобланади;
- ушбу кредитни олувчиларнинг асосий ҳисобрақами кредит бераётган банкда бўлади;
- кредит фақат молиявий жиҳатдан ишончли бўлган мижозларга берилади.


Тадқиқот методологияси

Тадқиқотда қиёсий таҳлил, умумлаштириш, гуруҳлаш, ҳар томонлама баҳолаш, мавҳум мантиқий фикрлаш каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг таркибини ва динамикасини таҳлил қилиш кредит портфелининг амалдаги ҳолатига баҳо беришда муҳим ўрин тутди. Бунда, кредитларни муддатига кўра, валютавий таркибига кўра, тармоқ хусусиятига кўра таркибини таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилади.

1-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг активлари ва кредитлари миқдори, млрд.сўм



Изоҳ: Маълумотлар ҳар бир молиявий йилнинг 31 декабрь ҳолатига олинган.

1-расм маълумотларидан кўринадикки, биринчидан, 2019-2023 йилларда республикамиз тижорат банклари активларининг миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлган; Иккинчидан, тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг миқдори мазкур даврда ўсиш суръатларини намоён этган; Учинчидан, 2019-2023 йилларда мамлакат тижорат банклари активларининг ҳажмида кредитлар нисбатан юқори салмоқни эгаллаган.

Кредитлар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбаларидан ҳисобланади. Шу сабабли, 2020-2025

йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида (ПФ-5992, 2020) фақатгина бозор талаблари асосида кредитлаш, банкларнинг давлат ресурсларига бўлган қарамлигини камайтириш, кредит портфели сифати ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмлари ўсишининг мўътадил даражасига амал қилиш мамлакат банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясининг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган. Биз қуйида республика ижорат банклари кредитларининг муддатига кўра таркибини кўриб чиқамиз (1-жадвал).

1-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредитларининг муддатига кўра таркиби, фоизда.

Кредитлар	2019й.	2020 й.	2021й.	2022й.	2023й.
Кредитлар – жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
шу жумладан:					
Қисқа муддатли кредитлар	8,6	10,5	10,6	13,5	13,4
Узоқ муддатли кредитлар	91,4	89,5	89,4	86,5	86,6

Изоҳ: Маълумотлар ҳар бир молиявий йилнинг 31 декабрь ҳолатига олинган.

1-жадвал маълумотларидан кўринадик, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан 2019-2023 йилларда берилган кредитларнинг умумий ҳажмида юқори салмоқни узоқ муддатли кредитлар эгаллаган. Бу эса, аввало, мамлакат иқтисодиётида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш жараёнига хорижий банклар ва халқаро молия институтларининг кредитларини катта миқдорда жалб этилаётганлиги билан изоҳланади.

1-жадвал маълумотларидан кўринадик, республикаимиз тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг умумий ҳажмида қисқа муддатли кредитларнинг салмоғи 2019-2022 йилларда ошиш тенденциясига эга бўлган, бироқ, ушбу кўрсаткичнинг даражаси 2023 йилда 2022 йилга нисбатан 0,1 фоизли пунктга пасайган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, узоқ муддатли кредитларнинг сезиларли қисмини хорижий валюталарда олинган кредитлар ташкил этади (2-жадвал).

2-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредитларининг валютавий таркиби, фоизда

Кредитлар	2019й.	2020 й.	2021й.	2022й.	2023й.
Кредитлар – жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
шу жумладан:					
Миллий валютадаги кредитлар	32,7	29,7	51,7	81,6	56,6
Чет эл валютасидаги кредитлар	67,3	70,3	48,3	18,4	43,4

Изоҳ: Маълумотлар ҳар бир молиявий йилнинг 31 декабрь ҳолатига олинган

2-жадвал маълумотларидан кўринадик, республикаимиз тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг умумий ҳажмида чет эл валютасида

берилган кредитларнинг улуши 2019 - 2020 йилларда жуда юқори бўлган ва ушбу улуш 2021 йилдан бошлаб пасая бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расман эълон қилинган маълумотига кўра, 2022 йилда имтиёзли кредитлар қолдиғи 139 трлн сўмга етган бўлсада, жами ажратилган кредитлардаги улуши 2021 йилдаги 39 фоиздан 36 фоизгача пасайиши кузатилди; тижорат банклари кредит портфели таркибида долларлашув даражаси 2022 йилда 2 фоиз бандга пасайиб, 47 фоизни ташкил қилди; 2022 йилда хорижий кредит линиялари маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларининг қарийб 13,1 мингдан ортиқ лойиҳасини молиялаштириш учун 2,1 млрд доллар миқдоридан, жумладан, тўғридантўғри (*давлат кафолатисиз*) жалб қилинган маблағлар ҳисобидан 1,8 млрд доллар (жами хорижий кредит линияларининг 86 фоизи) миқдоридан кредитлар йўналтирилди.

Мазкур кредит маблағларининг қарийб 1,5 млрд доллари (70 фоиз) саноат соҳасидаги, 111 млн доллари (5 фоиз) қишлоқ хўжалиги соҳасидаги, 244 млн доллари (12 фоиз) савдо ва умумий овқатланиш соҳасидаги ҳамда 262 млн доллари (13 фоиз) хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳалардаги лойиҳаларга ажратилди.

Хулоса ва таклифлар

Илмий мақолани ёзиш жараёнида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

– тижорат банкларининг кредит портфелини бошқариш амалиётини такомиллаштиришда кредит олувчи мижознинг пул оқимини таҳлил қилиш орқали кредит рискин пасайтириш муҳим ўрин тутди;

– банкларнинг кредит портфелини бошқаришда депозитларнинг кредитли трансформацияси муҳим бўлиб, бунда трансакцион депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғининг 30 фоиздан ошишига йўл қўймаслик, депозитларнинг кредит операцияларига йўналтирилган қисмига нисбатан лимитлар жорий қилиш тавсия этилади;

– кредитлар бўйича фоиз ставкасини фоизли маржа ҳисобидан пасайтириш имконияти банк маҳсулотлари таннархини пасайиши билан белгиланади ва бунда, фоизли спред миқдорининг умумий қуйи чегараси бўлиб, етарли даражадаги фоизли маржа ҳисобланади;

– рейтинглар ўртасидаги ўтиш матрицаларини (*миграция матрицалари*) ва улар асосида экстраполяцияларни баҳолаш юқори рейтингли кредит портфеллари учун, шу жумладан, паст дефолтли кредит портфеллари учун дефолт мақомига ўтишни аниқ баҳолаш имконини беради.

Фикримизча, республикамиз тижорат банкларининг кредит портфели самарадорлигини ошириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

кредитлаш амалиётига жорий этиш йўли билан кредит механизмининг самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

– банklar амалиётига жорий қилинадиган инновацион кредит маҳсулотларининг самарадорлигини баҳолаш имконини берадиган кўрсаткичлар тизимини шакллантириш лозим;

– инновацион кредитларнинг самарадорлигига таъсир қилувчи омилларнинг таъсир даражаларини миқдорий баҳолаш тизимини шакллантириш керак

(ресурсларнинг баҳоси, макроиқтисодий монетар индикаторларнинг ўзгариши, ссуда капиталлари бозорининг ставкаларини ўзгариши ва бошқалар);

- форфейтинг кредитлаш шаклини амалиётга жорий қилиш учун иқтисодиётнинг реал сектори корхоналаприга тижорат векселлари чиқаришга рухсат бериш зарур;

- овердрафт кредитлари беришда кредит шартномасига овердрафт кредити бўйича қарздорликни кейинги ойга ўтмаслигини таъминлайдиган банд киритиш керак:

- факторингда товар ҳужжатларини сотиб олиш шarti (регресс ҳуқуқи билан ёки регресс ҳуқуқисиз) аниқ кўрсатилиши лозим;

- юқори рискли инновацион кредитларни фақат тўловга қобиллик даражаси юқори бўлган ва давлат бюджети олдида муддати ўтган қарздорлиги бўлмаган мижозларга бериш зарур;

- револьверли кредитларни қайта тикланиш муддати кредит шартномасида аниқ кўрсатилган бўлиши керак.

Ҳозирги даврда республикамизнинг хўжалик амалиётида тижорат векселлари муомаласи мавжуд эмас. Бу эса, тижорат банкларига тижорат векселларининг муомаласига асосланган кредитлаш шаклларида фойдаланиш имконини бермайди. Бу эса, кредитлаш шаклларида комплекс фойдаланишни таъминлашга тўсқинлик қилади. Бундан ташқари, дисконт кредитларининг мавжуд эмаслиги тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, Марказий банкнинг дисконт кредитлари тижорат банкларининг жорий ликвидлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони//www.lex.uz.

2. Муаммоли кредитлар//www.cbu.uz.

3. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. –М.:Альпина Паблишер. 2017.– 1018с.

4. Панова Г.С. Кредитная политика коммерческого банка. – М.: ИКЦ 7. «ДИС». 1997 – 464с.

5. Усоскин В.М.. Современный коммерческий банк: управление и операции. – М.: ЛЕНАНД. 2019 – С. 184.

6. Altman E. I. Financial Ratios, Discriminant Analysis and the Prediction of Corporate Bankruptcy//Journal of Finance. 1968 – P. 63–69.

7. Лаврушин О.И. Краткосрочное кредитование по укрупненному объекту в пределах кредитной линии. – М.:КНОРУС. 2016). – 430 с.

8. www.cbu.uz – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки.

